

PhD Абдураимова Мафтунахон Ахматовна  
Тошкент молия институти

## СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Аннотация.** Ушбу мақолада суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил қилиш ва бунданкеладиган самарадорлик натижаси, эришиладиган ютуқлар ҳақида фикр боради. Суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил қилиш суғурта бозорини рақамлаштириш жараёнларида айниқса муҳим эканлиги мақолада келтириб ўтилган. Ички аудитнинг суғурта ташкилотларидағасосий вазифаси бошқарув томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботларни ҳакконийлиги хамда рискларни даромадлилик даражаси билан ўзаро боғлаган ҳолда таҳлил қилиш, суғурта фаолияти самарадорлигини амалга ошириш мақсадида дастурий маҳсулотлар сифатини хуқуқий жиҳатдан текшириш ва уни такомиллаштириш юзасидан таклифларни ташкилот бошқарувига тақдим этиш тартиби шунингдек, суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил этганда корпоратив бошқарувнинг замонавий тизими таъминланиши, халқаро стандартларни қўллаб ички аудит хизматини ташкил этишдаги ютуқли томонлар ва бизнес жараёнларини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар бериб ўтилган.

**Калит сўзлар.** Суғурта ташкилоти, ички аудит, ички назорат, корпоратив бошқарув, фирибгарлик ва хато, халқаро аудит, ички аудит стандарти.

**Abduraimova Maftunakhon Akhmatovna**  
*Tashkent Institute of Finance*

## ORGANIZATION OF INTERNAL AUDIT SERVICE IN INSURANCE ORGANIZATIONS

**Abstract.** In this article discusses the organization of the internal audit service in insurance companies and the resulting efficiency, the achievements. The article notes that the organization of internal audit services in insurance companies is especially important in the process of digitization of the insurance market. The main task of internal audit in insurance companies is to analyze the financial statements submitted by the management in relation to the accuracy and profitability of risks, the procedure for legal inspection of software products and the submission of proposals for its improvement to the management of the organization. Suggestions and recommendations on the provision of a modern system of corporate governance in the organization of the internal audit service, the strengths in the organization of the internal audit service using international standards and the improvement of business processes.

**Keywords.** Insurance organization, internal audit, internal control, corporate governance, fraud and error, international audit, internal audit standard.

### Кириш.

Республикада амалга оширилаётган кенг сонлиислоҳотларнинг замирида албатта, миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқларини замонавий кўринишга келтириш ва натижада юқори даромад олиш мақсади туради. Бу эса ўз навбатида, ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларни ривожланиб

боришида бошқарув фаолиятининг янгича усулларини жорий қилиш кераклигини талаб қиласди.

Ички аудит хизматининг зарурияти йирик корхоналар, акциядорлик жамиятлари ва ижтимоий аҳамиятга эга ташкилотлари учун улар билан боғлиқ бўлган муаммоларни жумладан харажатларни қискартириш устидан назорат қилиш нуктаи назаридан хам аҳамиятга молик ҳисобланади. Суғурта ташкилотларининг раҳбарлари иш тартибини белгилайди ва ишлаб чикади. Лекин, ходимлар турли сабабларга кўра белгиланган тартибга риоя этмайди. Шу сабабли ҳудудий бўлинмаларда йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида аниқлай олишмайди. Ички аудит ходимлари иш жараёнида йўл қўйиладиган турли хатоликлар, сунестеъмолликларни олдини олишда менежерларга ёрдам беради.

Суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил этиш фаолиятнинг барча соҳаларини чуқур ўрганиш, рискни тўғри талқин қилиб уни баҳолаш шунингдек, уларни минималлаштириш бўйича таклифлар бериш имкониятини беради.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ташкилотларда ички аудит хизматини ташкил этишда баъзи бир талаблар қўлланилади ва улар қуидагилардан иборат:

1. активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан кўп бўлган корхоналарда;

2. активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 минг бараваридан кўпроқ бўлган акциядорлик жамиятларида бўлиши шарт [1].

Албатта айтиб ўтиш лозимки, ички аудит хизмати айниқса, суғурта ташкилотлари учун жудаям керакли ҳисобланади. Чунки суғурта ташкилотлари кўп тармоқли ҳисобланиб, ҳудуд жиҳатдан кенг тарқалган, мамлакатнинг барча ҳудудларида бўлинмалари мавжуд ва мустақил қарор қабул қилиш хусусиятига эгадир. Бу ҳолатда суғурта ташкилотларида ташкил қилинган ички аудит хизмати корпоратив бошқарув тизимига муҳим ахборотларни етказиб бериш ва шу асосида қарорлар ижросини таъминлаш базаси сифатида қаралади.

Суғурта бозорини рақамлаштириш ишлари давом этаётган бир пайтда ички аудит хизматига нисбатан, назоратнинг зарур элементи, бошқарувнинг таркибий қисми, шунингдек, суғурта ташкилотларининг молиявий ҳолати ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш, суғурта бозорига бўлган талабни аниқлаш умуман олганда, суғурта ташкилотларида ташкил қилинадиган иш самарадорлигини оширишда амалий ёрдам беришга хизмат қиласди деб айтиш мумкин.

Суғурта ташкилотларида бошқарув тизими учун ички аудит фаолиятини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва афзаллик жиҳатлари қуидагилар билан изоҳланади:

-ташқи аудитга ишончли манба;

-конунчиликка доимий риоя қилинишининг кафолатланиши;

-ички аудит орқали ташкилот бўлинмаларидағи юқори малакали мутахассиларнинг текширувга жалб қилиниши;

-илгор технологиялар ва иш услубини жорий этишнинг рағбатлантиришга қўмак берувчи тизим эканлиги.

Бозор муносабатлари шароитида ички аудит тизими йўналиши ва усулига кўра икки хил вазифани бажариши лозим.

-Фаолият натижаларини баҳолаш:

-Фаолият самарадорлигини баҳолаш.

Ички аудит хизмати хўжалик операцияларини баҳолаш усулида амалга оширилади. Ушбу йўналишда ички аудитнинг вазифаси суғурта ташкилотнинг фаолиятини ишончлилиги ва баркарорлиги, мулқдорлар капиталининг даромадлилигини баҳолаш, шунингдек, суғурта рискларини инобатга олган ҳолда аудитдан мақсадли ва тизимли фойдаланишдан иборатdir.

Ички аудит хизматининг энг катта яна бир мақсади бу фаолият самарадорлигини баҳолаш бўлиб, бу ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:

Суғурта ташкилот фаолият қўрсатаётган иқтисодий муҳитни таҳлил қилиш ва баҳолаш:

Таҳлил қилишда текширувнинг мақсад ва услубларини аниқлаш, молиявий аҳволини баҳолаш ва ривожлантириш дастурларини амалиётга тадбик қилиш масалаларига алоҳида аҳамият берилади.

Ички аудитнинг асосий вазифаси, суғурта ташкилотларида бошқарув томонидан такдим этилган молиявий ҳисботларни ҳакконийлигини хамда рискларни даромадлилик даражаси билан ўзаро боғлаган ҳолда таҳлил қилиш, суғурта фаолияти самарадорлигини амалга ошириш мақсадида дастурий маҳсулотлар сифатини хукуқий жиҳатдан текшириш ва уни такомиллаштириш юзасидан таклифларни ташкилот бошқарувига такдим этишдан иборат.

Суғурта ташкилотларида жорий этилган ички аудит тизимининг тўғри ташкил этилганлигини баҳолаш турли рисклардан ҳимоя қилинганлик даражасига, унинг самарадорлигига таъсир қўрсатади. Суғурта ташкилотлари ички аудит тизими канчалик такомиллашган бўлса, бошқарув томонидан қабул қилинган қарорлар ижросининг самараси шунча юқори бўлади. Ушбу тизимдаги узилиш эса ташкилотнинг молиявий ҳолатига тўғридан-тўғри салбий таъсир қиласи.

Суғурта ташкилотларида бошқарув фаолиятини баҳолаш жараёнида ташкилотнинг бошқарув сифатини баҳолаш ва уни такомиллаштиришга оид таклифлар тайёрланади. Шунингдек, аудитнинг самарали усусларини қўллаш, аудиторлик далилларини олиш, текширишнинг автоматик усусларини ривожлантириш вазифалари мақсад қилиб қўйилади. Шу билан бир қаторда, ишлаб чиқилган аудит стратегияси, ташкилотда аудиторлар фаолиятининг катъий тартибга солинганлиги, аудиторлик текширувларининг сифатини

назорат қилишга йўналтирилганлигидир.

### **1. Адабиётлар шархи.**

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, ҳозирги кунда сұғурта бозорини ривожлантириш, сұғурта фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида кўпгина илмий ва амалий ишлар қилинмоқдаки, бунинг натижасида иқтисодий тармоқларда анчагина ўзгариш юз бермоқда, хусусан, тармоқларни рақамлаштириш мақсадида мижозларга ҳар томонлама қулайликлар яратиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар энг кўзга кўринарлиси десак муболага бўлмайди. Демак, сұғурта фаолиятини тубдан ўзгартириш мақсадида қўйидаги олимлар томонидан илмий ишлар жамланмаси бажарилмоқда:

Janina Mühlnickel, Gregor N.F.Weiß (2015) Сұғурта ташкилотларида ёки умуман барча иқтисодий субъектларда харажатларни минималлаштиришга қаратилган шартнома тузиш амалиётлари консолидациялашган молиявий ҳисботни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Шундан келиб чиқиб, сұғурта ташкилотлари сони, тури мавжудлигига ички аудит хизмати чарбарчас боғлиқ бўлади [2].

Иқтисодчи олим Yigit Bora Senyigit (2012) сұғурта ташкилотлари учун тузиладиган молиявий ҳисботларнинг уйғунлаштиришни ривожлантириш ҳар жиҳатдан халқаро стандартлар билан боғлиқ бўлади. Туркияда фаолият олиб борган сұғурта ташкилотлари жаҳон молиявий бозорида рақобатлашаётганлиги сабабли улар учун МХХСнинг сўнгги ўзгаришларини тушуниш муҳим аҳамият касб этади [3].

В.П. Суйц, А.Н. Ахметбеков, Т.А. Дубровина (2002) каби олимларнинг таъкидлашича, ички аудит – бу ташкилотда амалга ошириладиган ташкилот ишини унинг манфаатларини қўзлаб текшириш ва баҳолаш бўйича мустақил фаолият туридир [4].

Г.А. Юдина, М.Н.Черных (2009)эса, Корхонанинг ўз мутахассислари томонидан амалга ошириладиган ички аудит ташқи аудит усулларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган хўжалик ичидаги назоратни ўзида намоён этади [5].

Профессор Ш.И. Илхамов,ички аудит хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлашнинг энг қули воситаларидан бири бўлиб, у ўз навбатида, корхонанинг рақобат жиҳатдан устунлигини таъминлаши мумкин дея таъриф беради [6].

Prof. Romena Sulce, prof A.З. Авлокулов, PhD Н.Ш.Абдиевалар эса, ички аудитни кўп функцияли аудит деб, бир вақтнинг ўзида компания раҳбариятининг ўнг кўли ҳисобланиб, ички аудит хизматининг ҳисоб-китобларини текшириш, фирибгарлик ва хатоларнинг олдини олиш, ташкилотнинг ички назорат тизими маълумотларини таҳлил ишлари билан шуғулланади дея таъкидлайди[7].

Prof. С.У.Мехмонов бюджет ташкилотлари хусусиятларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ички аудитга қўйидагича таъриф берган, яъни “Ички аудит - ташкилот томонидан сметаларни тузиш ҳамда ижросини амалга оширишни қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш йўли билан назорат қилиш молиявий ҳисобот маълумотларини ишончлилигини таъминлаш, бюджет-смета интизомига риоя қилиш, маблағларни мақсадли ва оқилона сарфлашга йўналтирилган фаолиятдир”[8].

Ички аудиторларнингхалқаро институти (The Institute of Internal Auditors) таърифига асосан, ички аудит корхона фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган мустақил ва холис кафолатлар ва маслаҳатларни бериш бўйича ишлар йиғиндисидир. Ички аудит, корхонага рискларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнларининг самарадорлигини оширишга, тизимлаштирилган ва изчил ёндошувни кўллаган ҳолда қўйилган мақсадларга эришишга ёрдам беради [9].

### **3. Тадқиқот методологияси.**

Суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил қилиш масалалари доим эътибор марказида бўлишига қарамасдан айтиш лозимки, бугунги қунда ташкил қилинаётган “кучли ички аудит” хизмати амалий жиҳатдан қониқтирмайди. Шундай бўлсада суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини самарали йўлга қўйиш мақсадида аввало, халқаро стандартларга мурожаат қилиш ва провардида ташкил қилишнинг йўналишларини амалга ошириш, олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни амалиётга жорий қилиш, иқтисодиётни замонавий ривожлантиришга эришиш, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиш ва рақобат қила оладиган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, саноат соҳасида маҳсулотларни дунё амалиётига тақдим этиш каби ишларни қўламини оширишга хизмат қиласди.

Корпоратив бошқарув тизимини тўғри йўлга қўйиб, ташкилот молиявий барқарорлигини ошириш, харажатларни оптимал бошқариш, бизнес-режа бажарилишини тўғри ташкил қилиш жараёнлари ўз-ўзидан айёнки, ички аудитга бориб тақалади.

Суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил қилиш йўналишларини очиб беришда кенг сонли таҳлил усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил қилиш йўналишларини очиб беришда қўлланилган таҳлил усуллари албатта илмий мақоланинг мазмун-моҳиятини очиб, унинг сифатини оширишга хизмат қиласди, ушбу тадқиқотга оид таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

### **2. Таҳлил ва натижалар мухокамаси.**

Суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил қилиш орқали, биринчидан, суғурта фаолиятининг ички тузилиши, ички муҳити, бошқарув услуби, қарорлар қабул қилиш жараёни, ваколатларни тақсимлаш,

масъулиятни қабул қилиш каби жараёнлар жадаллашади;

Иккинчидан, қунлик, ойлик, чораклик ва йиллик назорат қилиш шакллари таъминланиб, уларни алоҳида ҳисобларда юритиш ва ҳисботларда жамлаш орқали акс эттириш, сугурта ташкилоти моддийликларини бошқариш ва доимий мониторинг ўтказиб туриш имконияти пайдо бўлади;

Учинчидан, сугурта ташкилотида учраши мумкин бўлган эҳтимоли юқори рискларни ҳам аниқлаш ва таҳлил қилиш бўлим минингфаолият юритиши мумкинлиги;

Тўртинчидан, ахборотдан фойдаланиш тизимида ягона маълумотлар базаси шаклланиб, бу маълумотлар ташқи аудит ва бошқа текширув органлари учун энг ишончли маълумот ҳисбланиши;

Бешинчидан, сугурта ташкилотида ички назорат тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида, ички аудит тизими ходимлар фаолиятини тезкор назорат қилиш ва уларнинг ишини даврий баҳолашни амалга ошириши мумкин эканлиги билан изоҳланади. Ички аудит хизматини ташкил қилиш ҳар томонлама қулайликларни яратиб беради деб айтиш мумкин. Халқаро аудит стандартида келтирилишича, ташқи аудит кўп ҳолларда ички аудитга мурожаат қилиши мумкин:

1. Ташқи аудитор ички аудит хизматининг ушбу хизмат ишига тегишли бўлган ва ташқи аудитор ички аудиторлар томонидан бажарилган аудиторлик тартиб-таомилларининг хусусияти ва кўлами, тегишли топилган натижаларни тушуниши учун фойдаланишни режалаштирган ҳисботлари билан танишиб чиқиши мақсадида;

2. Ташқи аудитор ички аудит хизмати иши юзасидан, умуман олганда, ушбу ишнинг аудит мақсадларига мослигини аниқлашда қўллашни режалаштирган етарлича аудиторлик тартиб-таомилларини бажариши, шу жумладан қуйидагиларни баҳолаши керак бўлганда:

(а) Ички аудит хизмати иши тўғри режалаштирилганлиги, бажарилганлиги, назорат қилинганлиги, кўриб чиқилганлиги ва хужжатлаштирилганлиги;

(б) Ички аудит хизмати асосланган хulosалар чиқариши учун етарлича тегишли аудиторлик далиллари олинганлиги;

(в) Чиқарилган хulosалар берилган шарт-шароитларда тўғри эканлигини ва ички аудит хизмати томонидан тайёрланган ҳисботлар бажарилган иш натижаларига мос эканлигини билиш мақсадида фойдаланилади [10].

Юқорида ҳам таъкидлаб ўтилганидек, сугурта ташкилотида ички аудит хизматини ташкил қилиш, аввало, сугурта бозорини ўрганиш ва мижозларга сифатли хизмат кўрсатиши мақсадида сугурта муҳитини барқарорлаштиришдан иборатdir.

Халқаро амалиётда сугурта фаолиятига алоқадор бўлган қуйидаги стандартлар мавжуд бўлиб, ички аудиторлар шулар юзасидан ҳисоб ишларини стандарт талабларига мувофиқлигини текширади:

**1-жадвал.**

**Суғурта ташкилотларида фойдаланиладиган молиявий ҳисботнинг  
халқаро стандартлари ва уларнинг қўлами<sup>1</sup>**

<b>МХХС (IFRS)</b>	<b>Стандарт номи</b>	<b>Фойдаланиш қўлами</b>
4-сонли	Суғурта шартномалари	Суғурта хизматларини кўрсатиш мақсадида ишлатилади
7-сонли	Пул маблағлари харакати тўғрисидаги ҳисбот	Суғурта ташкилоти мукофотлари ва тўловлари, аннуитетлар учун тўловлар, суғурта полиси бўйича бошқа тўловларда фойдаланилади
8-сонли	Ҳисоб сиёсати, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар	Суғурта қопламаларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби назарда тутилади
18-сонли	Даромадлар	Суғурта қилдирувчиларни жалб қилиш харажатларини тан олишда қўлланилади
19-сонли	Ходимларнинг даромадлари	Пенсия учун мўлжалланган тўловларни амалга ошириш учун суғурта мукофотларини тўлаш асоси кўриб чиқилади
32-сонли	Молиявий инструментлар: тақдим этиш	Молиявий активлар хамда молиявий мажбуриятларни тан олиш ва баҳолашни жараёнини ўз ичига олади
37-сонли	Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар	суғурта шартномалари остида пайдобўладиган шарномавий мажбуриятлари ва ҳукуқларидан юзага келадиганлардан ташқари резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активларга нисбатан ушбу стандарт қўлланилади
38-сонли	Номоддий активлар	Суғуртада суғурта турлари билан боғлик операцияларни ҳисобга олишда дастурий таъминотни амалга оширишда ишлатилади, бундай харажатлар капиталлаштирилади. Чунки, ташкилотнинг молиявий натижаларига таъсир килиб, дастурий таъминотнинг таннархига киритилади
39-сонли	Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш	Инвестиция шартномаларида фойдаланилади, стандартга асосан, ҳосилавий молиявий активлар ва ҳосилавий молиявий мажбуриятлар фаол деб қаралади
29-сонли	Гиперинфляцион иқтисодиёт шароитида молиявий ҳисбот	Суғурта ташкилоти дастлабки балансни тузганда, валюта иқтисодиётини баҳолаш даражаси гиперинфляцияга учраган барча даврларга нисбатан қўлланилади

1-жадвал маълумотлари ташкил қилинган ички аудит хизмати учун ҳар қандай вазиятда ҳам иш жараёнидан самарали фойдаланиш ва корпоратив бошқарув юзасидан тезкор қарорлар қабул қилиш имкониятини тақдим этади. Бу стандартлардан фойдаланиб иш ташкил қилинганида ички аудитор томонидан ортиқча таҳлилий амалларни қўллаш ҳисобига кетадиган вақт ҳажми анчагина қисқаришига сабаб бўлади.

**2-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг тузилмаси<sup>2</sup>**

<b>T/P</b>	<b>Суғурта бозорининг</b>	<b>01.01.2020</b>	<b>01.01.2021</b>	<b>Ўзгариш</b>
------------	---------------------------	-------------------	-------------------	----------------

<sup>1</sup> Тадқикотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

<sup>2</sup>[www.agros.uz](http://www.agros.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

	<b>тузилмаси</b>			<b>%да</b>
1	Суғурта ташкилотлари сони	36	40	111%
2	<i>Шу жумладан ҳаёт суғуртаси бўйича</i>	8	8	100%
3	Суғурта ташкилотларининг умумий устав капитали (млн. сўмда)	755 220	1 439 193	191%
4	Суғурта брокерлари сони	5	5	100%
5	Актуарийлар сони	5	5	100%
6	Суғурта агентлари сони	8 657	8 870	102%
7	<i>Шу жумладан юридик шахслар сони</i>	2 388	2 637	110%
8	Тўловларни кафолатлаш жамғармаси аъзолари бўлган суғурта ташкилотларининг сони	17	19	112%

2-жадвал маълумотларидан келиб чиқиб айтишимиз мумкини, Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта ташкилотлари сони кун сайин ортиб бормоқда ва ташкилий тузилма оммавийлашмоқда. Айтиб ўтиш лозимки, ташкилий тузилма кенгайганда ички аудит хизматига бўлган талаб ортиб бораверади. Натижада эса, турли катта операциялар содир бўлиб, суғурта фаолиятини янада жаҳон бозорига интеграциялашувига замин яратилади.

Жадвал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, суғурта ташкилотларининг тўлов қобилиятини яхшилаш мақсадида, уларнинг устав капитали босқичма-босқич оширилмоқда. Лекин ачинарли томони суғурта брокерлари ва суғурта актуарийлари саноқли эканлигини кўришимиз мумкин. Агар суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил қилишнинг бир қанча йўналишларини ишлаб чиқа олсак, биринчи навбатда суғуртада учрайдиган рискларни баҳолаш имконияти яратилади юқорида учрайдиган кам сонли юридик шахслар фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар сонини қўпайтириш имкониятига эга бўламиз.

## **5. Хулоса ва таклифлар.**

Суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил қилиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, суғурта ва аудит соҳасини бирдек ривожлантириб, иқтисодиёт тармоғида етарлича ўсишга эга бўлиш мумкин. Соҳани ривожлантириш учун эса албатта, меъёрий базасини яхшилаш талаб этилади. Охирги йилларда чиқарилаётган суғурта ва аудит фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган хуқуқий асос бу иккита соҳани бирдек потенциалини кўтаришга ёрдам бермоқда. Суғурта бизнеси сифатини ошириш учун эса албатта назорат тизими ҳисобланган ички аудит хизматини самарали йўлга қўйиш ҳисобланади. Ички аудит хизмати суғурта ташкилотларининг назорат тизимини такомиллаштиб, молиявий холатини барқарорлаштиришга ёрдам беради. Суғурта ташкилотларида фаолият юритадиган ички аудит хизмати

бир қанча қулайликларга эга, хусусан, ташқи аудитга нисбатан кам харажат талаб қилинади, ички аудиторлар ташкилотнинг бошқарув услубидан хабардор бўладилар, ташкилот фаолияти ва ривожланиши учун малакали мутахассисларни жалб қилиш имконияти мавжудлиги, янги технологиялардан кенг фойдаланиш имконияти мавжудлиги, сугурта ташкилотида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш мумкинлиги.

Демак, юқорида берилган хуносалар натижасида қўйидаги таклифларни бериб ўтишимиз мумкин:

1. Суғурта ташкилотларида ишчи аудит хизматини жорий қилиш йўналишларини ишлаб чиқишида, ташкилий тузилма хусусиятларини эътиборга олиш керак;

2. Суғурта ташкилотларида ички аудит хизматини жорий қилишда электрон дастурлардан кенг фойдаланиш ва бу орқали ташкилотнинг филиал ва бўлимларини назорат қилиш ва бошқариш имконияти пайдо бўлади;

3. Ички аудит стандартларини ишлаб чиқиш ва уларни тадбигини амалга ошириш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида Низом (ЎзР ВМ 16.10.2006 й. 215-сон қарорига 2-илова)
2. JaninaMühlnickel, Gregor N.F.Weiß. Consolidation and systemic risk in the international insurance industry. Journal of Financial Stability. Volume 18, June 2015, Pages 187-202.
3. Yigit BoraSenyigit. The Implementation of IFRS in the Turkish Insurance Industry. The Implementation of IFRS in the Turkish Insurance Industry. Procedia - Social and Behavioral Sciences 62 (2012) 294 – 300. www.sciencedirect.com. doi: 10.1016/j.sbspro.2012.09.048
4. Аудит: общий, банковский, страховой. Учебник. В.П. Суйц, А.Н. Ахметбеков, Т.А. Дубровина. - М.: Инфра-М, 2002. – 627 с.
5. Юдина Г.А. Черных М.Н. Основы аудита. Учебн. Пособие. М.: КНОРУС, 2009. – 352с.
6. Илхамов Ш.И.Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит ва унинг самарадорлигини баҳолаш хусусиятлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил.
7. Romena Sulce, Anvar Avlokulov, Nargiza Abdieva. Data analysis in internal audit. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №5, октябрь, 2021 йил. ISSN: 2181-1016
8. Мехмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент 2018.- 55 бет.
9. <https://www.theiia.org> The Institute of Internal Auditors.
10. Ички аудиторлар ишидан фойдаланиш номли 610-сонли халқаро аудит стандари.

**11.www.agros.uz сайт маълумоти**